O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 29-oktabr • № 43 (3769)


## ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги йиғилиши ёзувчи масъулияти ва ёш ижодкорлар билан ишлаш масалалари ҳамда адабий журналлар ва уюшманинг вилоят бўлимлари фаолиятига бағишланди.***

Уюшма раиси Абдулла Орипов йиғилишни очар экан, ижодкорнинг давр ва китобхон, халқ олдидаги бурчи ҳамиша юксак эканлигига эътибор қаратди. Ёзувчи ҳам, унинг ёзган асарини эълон қилаётган адабий нашрлару китоб чоп этувчи нашриётлар ҳам умумхалқ эътиборига ҳавола этилаётган асарнинг бадиий жиҳатдан пишиқ ва савияси юксак бўлиши, айни чоғда ҳаёт ҳақиқатларининг бирёқлама талқин этилмаслиги учун масъул бўлиши зарур. Бу борада у ёки бу мавзуда ёзилган йирик асарни мутахассислар муҳокамасидан ўтказиш, Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги ижодий кенгашлар тавсияси билан нашр қилиш бўйича аввалдан шаклланган анъаналар яхши самара бериб келаётир. Бугун минг-минглаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган кўпгина бадиий асарлар шундай муҳокама жараёнларида билдирилган холис фикр-мулоҳазалар асосида ишланиб, сайқал топиб, сўнгра кўпчиликка ҳавола этилган.

Бу жараён ижодкорнинг ўз асарига, унинг бадиий ва ғоявий савиясига юксак мезонлар билан ёндашиши учун муҳим заруратдир. Янги асарни китобхонлар ҳукмига ҳавола этишдан олдинги муҳокамаларга барча атоқли адибларимиз катта масъулият ва ҳурмат билан қарайдилар. Афсуски, сўнгги йилларда ўз асарини холис муҳокамадан ўтказишга чўчиб ва қўрқиб қарайдиган, кўп ҳолларда қиёмига етма-

### ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

ган қораламаларни бир амаллаб чоп қилиб қолишга ружу қўяётган қаламкашлар ҳам кўзга ташланяпти. Асарларини ўз маблағи ёки ҳомийлар мадади билан чоп қилаётган ҳаваскор қаламкашларда бундай хою ҳавас кўпроқ учрамоқда. Шунинг учун ҳам адабий нашрларимиз, китоб чоп этиш ҳуқуқига эга бўлган нашриётлар бадиий ижод намунаси сифатида чоп этишга қабул қилинадиган асарларга нисбатан қўйиладиган юксак талабларни асло унутмасликлари керак. Йиғилишда «Шарқ юлдузи» журнали ва «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан эълон қилинган айрим асарларга нисбатан шундай мулоҳазалар билдирилди.

Уюшма раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид ижодий кенгашлар ва уюшманинг вилоят бўлимлари фаолияти ҳақида ахборот берди. Бу йил ижодий кенгашларнинг йиллик йиғилишлари барча кенгаш раҳбарларининг давра суҳбати тарзида ташкил этилди. Янги асарлар қўлёзмалари эса мунтазам равишда кенгашларда муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг «Халоскор руҳ» достони, Бобокалон Рўзиевнинг «Мардлар осмони», Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романлари ва бошқа асарларнинг қўлёзмалари муҳокамаси шулар жумласидан. Адабий нашрлар ва нашриётларимизда таниқли адиблар ва ёш ижодкорларнинг тарихий ва замонавий мавзудаги кўпгина бадиий баркамол асарлари чоп қилинди.

Фаоллар йиғилишида уюшманинг вилоят бўлимлари ишидаги муайян ютуқлар ҳам тилга олиниб, бадиий тарғибот ва адабий-ташкилий фаолиятни жонлантириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Уюшма раисининг ўринбосарлари Минҳожиддин Мирзо ва Қурбон Жумаевлар ёш ижодкорлар билан ишлаш ҳамда ижод боғидаги масалалар юзасидан ҳисобот бердилар.

Йиғилишда шоирлар Асрор Мўмин, Нилуфар Умарова, Ориф Тўхташ, Насиба Юсупова, Раҳимбой Каримов , Ўткир Жўраев, адиблар Улуғбек Ҳамдам, Санжарали Имомов, Тилаб Маҳмудов, Исроил Субҳоновлар уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.



## "ТОШКЕНТЛИКЛАР, БИЗ БИЛАН ҚОЛИНГ"

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонида Республика қўғирчоқ театрининг ўзбек гуруҳи ижодкорлари Мисрда ўтган халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашганини хабар қилган эдик.

Бу сафар театрнинг рус гуруҳи ижодкорлари Россиянинг Краснодар шаҳрида ўтган "Артвизит" VI халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалида иштирок этиб, чет эллик мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлдилар. "Энг меҳрли, энг самимий ва ҳаяжонга солувчи", "қўғирчоқбозлик ва актёрлик маҳоратининг энг олий чўққиси", "ўзининг сеҳрли муҳити ва қаҳрамони — гугурт сотувчи қизга нисбатан беқиёс муҳаббати билан ажралиб турувчи спектакл" каби фикрлар бунинг далилидир.

— Биз ўзбек қўғирчоқ театр санъатини «Яна Андерсен...» спектакли орқали муносиб кўрсата олганимиздан хурсандмиз, — дейди ижодий гуруҳ раҳбари Динара Йўлдошева. — Келаси йили Андерсеннинг 200 йиллигига бағишлаб Данияда ўтказиладиган халқаро фестивалда қатнашиш ниятимиз бор.

Фестивал якунидан бир кун олдин ўтган концертда тошкентлик қўғирчоқбозларнинг чиқишлари, айниқса, "Ўйна, ўйна" ўзбек қўғирчоқ рақси ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Концерт сўнгида барча қатнашчилар "Тошкентликлар, кетманг, биз билан қолинг", деб санъаткорларимизни олқишладилар.

## УМИДБАХШ ДУНЁ

Сайлов ҳар қандай мамлакат ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Унда давлат раҳбари, сенаторлар, парламент аъзолари сайланиши билан бирга, жамият тараққиётининг, миллий ривожланишнинг яқин келажакдаги асосий йўналишлари, ички ва ташқи сиёсат стратегияси ҳам аниқлаб олинади.

Бу муҳим сиёсий тадбирда сайловчи мамлакат миқёсида аввалги сайловдан бери ўтган вақт ичида амалга оширилган ишларга, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, блоклар фаолиятига, ўзи овоз берган номзодга баҳо беради ва, айни чоғда, янги ваъда, янги режаларни таҳлил этиб, бир қарорга келади. Қарор қабул қилиш эса жўн, сайлов бюллетенини тўрт буклаб қутичага ташлаш билангина битадиган иш эмас. Танлаш, бир қарорга келиш чоғида шахсий ҳиссиётлар эмас, жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқмоқ лозим бўлади. Акс ҳолда, «Мен бу партиянинг аъзоси эмасман» ёки «Фалон депутат менинг фалон илтимосимни бажармаган» деган тор тушунча илгарилаб кетиши мумкин.

### МУҲАРРИР МИНБАРИ

Сайлов учун мамлакатнинг катта ёки кичиклиги, бой ёки мундайроқлиги аҳамиятли эмас. Ҳаёт давом этар экан, инсон ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгариб, такомиллашиб борар экан, унинг иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий эҳтиёжлари ҳам ошиб боради ва, албатта, сайлаш ва сайланиш тартиботларини янада такомиллаштириш зарурияти туғилаверади. Дунёда бирор-бир мамлакат йўққи, миллий сайлов тизимини тамомила мукаммал дея олса.

Узоққа бормайлик. Ўз бошидан не-не сайловларни ўтказган собиқ иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин «тақдирнинг ўзи дунёнинг ягона ҳокимлиги мақомига кўтарган» (Б.Клинтон ибораси — муаллиф) Америка Қўшма Штатларини олиб кўрайлик. Бундан тўрт йил аввалги сайловлар тоғни урса талқон қиладиган (бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин) бу йирик мамлакатнинг сайлов тизимида жиддий номукаммалликлар ҳам борлигини кўрсатди. Бугун, мамлакат Президентлигига сайловлар арафасида ҳам оддий сайловчи олдида жавоблардан кўра саволлар кўпроқ кўндаланг бўлаётгани бежиз эмас.

Бундан тўрт йил аввал демократлар номзодини, бокс тили билан айтганда, бир-икки очко устунлик билан енгган Жорж Буш ва унинг маъмурияти олиб борган ички ва ташқи сиёсат йўлини қандай баҳоламоқ зарур? Республикачиларнинг янги консерватив қараши — мақсадга эришиш йўлида ҳамма воситалардан, жумладан, ҳарбий куч-қудратдан ҳам бевосита фойдаланиш ғояси маъқулми ёки демократлар олға сураётган — империализмнинг бироз юмшатилган шаклини танлаган афзалми?

Республикачилар ҳокимият тепасига келганларидан бери дунёда Американинг мавқеи ошдими ёки бунинг акси бўлдими? Ироқ воқеалари АҚШ образига жаҳон афкор оммаси тасаввурида қандай таҳрир киритди? Жаҳоний муаммоларни ҳал этишда АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан, бирлашган Европа, Россия, Франция, Германия, Хитой билан муносабатлари бундан буён қандай бўлади? Шу ва шу каби бири биридан мураккаб саволларга жавоб топиш, табиийки, Американинг, америкаликларнинг ички иши. Аммо инсоният ҳаётининг, кенг ва тор, тарқоқ ва тақдири бир дунёнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, топилажак жаволар АҚШдан ташқарида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам 2 ноябр куни бўлиб ўтадиган сайлов натижаларига дунёнинг етакчи қитъалари, етакчи давлатларида қизиқиш катта. Геосиёсий, стратегик тадқиқотлар марказларида, бордию республикачилар сайловда ғолиб келадиган бўлса, Американинг мавқеи навбатдаги тўрт йил ичида янада сусаяди, деган фикр мавжуд. Лекин катта чинор қуласа, унинг атрофидаги майда навниҳолларга, шубҳасиз, зиён-захмат етишини ҳисобга олиб, янги нотанишдан кўра эски танишни афзал кўраётганлар ҳам озчилик эмас. Мамлакат ичкарисида ҳар иккала номзоднинг сайлов дастурларида жиддий айирмачаликни кўрмаётганлар, «Америкада Президент ўзгариши мумкин, аммо сиёсат ўзгармайди» деган америкаликлар ўртасида машҳур нақлни эслаб, ҳамон бир қарорга келмаётганларнинг овозлари ҳам қулоққа чалиниб турибди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича кетма-кет ўтказилаётган сўров натижалари гоҳ республикачилар, гоҳ демократлар фойдасига ўзгариб тургани табиий бир ҳол. Сайлов тажрибаси, умуман олганда ҳам, айни Америка мисолида кўрилганида ҳам, бундай сўровлар ўта нисбий эканлигидан далолат беради. Сўнгги соатлардаги баёнотлар, шиддатли қарорлар баъзан кучлар нисбатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. АҚШ Президентлигига номзодлардан бири (Р.Рейган) ўз вақтида қора танли сайловчилар овозини олиш учун қора танли оддий ишчи ходиманинг уйига рафиқаси билан бориб тушлик қилган эди. Ва, аксинча, ноўрин бир сўз, бир ибора ишнинг пачавасини ҳам чиқариши мумкин. Масалан, 1992 йили ота Буш Арканзас штатининг собиқ губернатори, ёш Клинтон билан кураш олиб бораётганида, кимнингдир «Қандай таомларни яхши кўрасиз?» деган саволига, эҳтиётсизлик қилиб «Карам шўрвани унча ёқтирмайман» деб юборади. Карамдан тайёрланадиган овқатлар, жумладан, карам шўрва АҚШда талабаларнинг ёқимли таоми. Номзод Жоржтаун университетига келганида карамхўр талабалар уни бошларига карам баргидан қалпоқ кийиб кутиб оладилар.

Яна бир неча кундан кейин АҚШда Президентлик сайлови шов-шувлари ниҳоясига етади. Декабр адоғида мамлакатимизда Олий Мажлиснинг қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Лекин бу билан сайлов, сайлаш, сайланиш, танлаш ва танланиш тугамайди. Токи ҳаёт мавжуд экан, токи инсон мукаммалликка, адолатга, фаровонликка, тараққиётнинг янги-янги чўққиларига интилар экан, бу жараён узлуксиз давом этади. Қонунлар, тартиботлар мукаммаллашиб боради. Бугунги тўғри ечимлар, тўғри танловлар ўз функциясини бажариб, келажакнинг бундан-да тўғри ва адолатли ечимларига йўл беради. Дунёнинг мураккаблиги ва, айни пайтда, умидбахшлиги ҳам мана шунда!

## ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

Кишилар орасида «Аллоҳ баъзиларга қўш-қўллаб беради», деган гап юради. Назаримда, бундайлар энг бахтли, омади чопган инсонлардир. Мен Раъно Ярашевани ана шундайлар сафига қўшгим келади.

Истараси иссиқ, юз-кўзларидан нафосат балқиб турувчи хушрўйгина бу аёлнинг бахти, аввало шундаки, у юртимизнинг энг нуфузли санъат даргоҳларидан бўлган Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли актрисаларидан бири. Театр саҳнасида яратаётган турли-туман образлари билан томошабинлар қалбига йўл излайди. Бу йўлнинг машаққату қувончлардан иборат сўқмоқларини босиб ўтиш осон эмаслигини яхши билади, саҳна қаҳрамонларига сайқал беришдан чарчамайди.

Муҳими, интилишлари бесамар бўлаётгани йўқ. Зеро, бугун Раъно Ярашеванинг ўз мухлислари, саҳнага чиқишини кутадиган томошабинлари бор. Айниқса, Машраб Бобоев ва режиссёр Маҳкам Муҳамедов ҳамкорлигида яратилган "Кўнгил кўчалари" кўпсерияли видеофилмида Раънохон яратган ўқитувчи келинойи образи мухлислари сафини анчагина кенгайтирди.

Бу ёқда эса шоира Раънонинг ўй-хаёллари, орзу-армонлари, шеъриятда очмоқчи бўлган янги йўллари актриса Раънога тинчлик бермайди. У санъаткор сифатида инсон — аёл қалби кечинмаларини саҳнада деярли ҳар куни ўзидан ўтказса, шеърларида ҳам худди шундай ҳиссиётларни бошдан кечираётгани сезилиб туради. У ўз шеърларида кўнгилда яшаётганлар ва кўнгилдан қувилганлар ҳақида сўз айтади. Кишиларни яхшиликка чорлайди:

**Ва руҳ азобланар, вужуд қийналар,**
**Ҳар босган қадаминг гуноҳдир, инсон.**
**Яхши амалларни қилиб қол, токи**
**Танангда жон бўлса! Дунё — имтиҳон!**

Г.УМАРОВА



## ИМКОНИЯТ БОР, ТАШАББУС-ЧИ?

Бугунги ўзбек эстрадасида бадиий мукаммал, мазмунан бақувват, дилга яқин қўшиқлар билан бирга, савияси паст, саёз, бачкана, "хонаки" хонишлар ҳам кўпайиб бораётгани ҳақида кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида, турли минбарларда кўп айтилаяпти.

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган ёш эстрада хонандалари ва истеъдодли шоирлар учрашувида бу масала кенг ва атрофлича муҳокама этилди.

Ачинарлиси шундаки, аксарият ёш қўшиқчилар, ҳатто дурустгина истеъдоди борлари ҳам ўзи "шеър" ёзиб, "куй" басталаб ашула айтишни ижодий жараён деб қарашга ўргандилар. Санъатга мана шундай юзаки, эътиборсиз муносабатда бўлиш оқибатида кўп ёш қўшиқчиларнинг репертуари енгил-елпи, умри қисқа, бачкана ашулалардан иборат бўлиб қоляпти. Бундай хонишлар тўйлар, турли кўнгилочар тадбирлар доирасидан ўтиб, катта саҳналарга, радио-телевидение эфирларига ҳам чиқиб кетяпти.

Афсуски, мана шундай хомхатала қўшиқларни тинглаб улғаяётган фарзандларимизнинг диди, маданий-маънавий савияси бузилиб, "эстрада шундай бўлиши керак" деган фикрга бориб қоляптилар. Ундан-да ёмони, тақлид асосига қурилган енгил-елпи қўшиқлар миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга зид бўлиб, ёш авлоднинг руҳиятига акс таъсир кўрсатмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шундай қўшиқларни эшитганингда, "буларда миллий ғурур борми ўзи, миллий ғурур деган сўзнинг маъносига тушунишармикин?" деган саволлар туғилади кишида.

Агар ёш қўшиқчилар атрофларига яхшилаб назар солсалар, изланишдан эринмасалар, яхши англайдиларки, бугун юртимизда истеъдодли шоирлар ва бастакорлар кўплаб топилади. Гап фақат ўқишда, мутолаа қилишда, изланишда қолган. Қадимдан анъана бўлган устоз-шогирдлик анъаналарига риоя қилишни, шоир-бастакор-хонанда учлиги ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашни, вақтинчалик ҳою ҳавас, шон-шуҳратни ўйлаб эмас, ҳақиқий санъат дурдоналари яратишни, ўз халқи маданияти, маънавиятини дунё олдида муносиб намойиш этишни ўйлаб ижод қилган хонандагина ўз юртининг овози, миллатининг ғурури бўла олади. Бунга эришиш учун барча ёш эстрада хонандаларининг имконияти бор, шароити етарли, фақат ташаббус уларнинг қўлида бўлиши керак.

Йиғилишни Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев олиб борди.

### МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" мавзуида адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Меҳр ва мурувват йилига бағишланган мазкур тадбирда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Омон Матжон йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар, янги шеърларидан ўқидилар.

Ўзбекистон Халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов ижросидаги қўшиқлар кечага файз бағишлади.

* * *

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нишон Отамуродов бошчилигидаги "Гиёҳ" фолклор-эстрада халқ ансамбли Данияда ижодий сафарда бўлди.

Сафар давомида "Гиёҳ"чилар бир неча таълим-тарбия масканларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этдилар, "Ўзбекистон: бугун ва эртага" мавзуида фотокўргазма ўтказдилар, шунингдек, даниялик ўқувчиларга миллий мусиқамиз, ўзбек рақс ва фото санъати ҳақида сўзлаб бердилар.

* * *

Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма театрида Гулчеҳра Қўлдошеванинг "Анқов ва ялқов бўривойга бўлди ов" асари асосида саҳнага қўйилган спектакл премераси бўлди. Режиссёр Бўрон Акобиров саҳналаштирган асар болаларни огоҳликка, бирдамликка, дўстликка чақиради.

М.КАРИМОВА

### РАССОМ ХОТИРАСИ

Айни кунларда машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоевнинг кўргазмаси намойиш этилмоқда. Агар рассом ҳаёт бўлганида, шу кунларда қутлуғ 75 йиллик таваллудини нишонлаётган бўларди. Неъмат Қўзибоевнинг кўпгина асарлари аллақачон мамлакатимиз мумтоз маданиятининг бир қисмига айланган. Мусаввирнинг номи кенг жамоатчиликка маълум, у республика ва чет элларда ўтказилган кўргазмалар иштирокчиси, полотнолари Санъат музейи, Алишер Навоий номидаги музейда, шунингдек, шахсий тўпламларда сақланади.

Кўргазмада мусаввирнинг самарали ижодий изланишларидан дарак берувчи этюдлар, хомаки чизма тасвирлар, тарихий композициялар намойиш этилиб, уларда рассомнинг бир неча ўн йиллар давомидаги ижодий йўли акс этган.

Н.Қўзибоев ижодида портрет жанри катта ўрин эгаллайди. Мазкур жанрдаги муҳим асарларидан бири академик Юнус Ражабий портретидир. Шунингдек, у Алишер Навоий, Беруний, Амир Темур, Фурқат, Нодирабегим, Абдулла Қодирий сингари буюк шахслар портретларининг бутун бир галереясини яратган.

Ўз ахборотимиз

## ИЛМДА ҲАЛОЛЛИК ШИОРИ ЭДИ

Олимнинг умри вақт мезонлари билан ўлчанмайди. Чин олим, вужуди дунёни тарк этса-да, асарлари орқали янги ва янги авлодлар қалбида мудом яшайди. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов шундай олимлардан эди.

У ёниб яшади. Унинг одам ва оламга, Ватан ва миллатга муносабати жадид боболаримиз кўзқараши билан мутаносиб, фаолияти улар каби серқирра эди. Агар Бегали Қосимов XX аср бошларида яшаганида, шубҳасиз, жадидчилик — миллий уйғониш ҳаракатининг энг ёрқин сиймоларидан бўларди. Гарчи у даврда яшамаса ҳам, олим ўз фидойилиги, ҳақпарастлиги, ҳатто ташқи қиёфаси билан ҳам қайсидир даражада жадидларни эслатарди. Бутун умрини миллатпарвар жадидлар фаолиятини ўрганишга бағишлагани ҳам тасодиф эмасдир балки.... Унинг асарлари миллатни ўз тарихи, бугуни ва истиқболи ҳақида ўйлашга, тафаккур юритишга ундаши билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

### ЯХШИЛАР ЁДИ

Профессор Бегали Қосимов «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» деган атамани илмий истеъмолга олиб кирди. Бу давр адабиётининг юзлаб вакиллари ижодини илк бор тадқиқ этди. Уларнинг ўрта ва олий таълим дастурлари, дарсликларидан ўрин олишида хизматлари беқиёс бўлди. Шу давр адабиётини ўрганиш бўйича илмий мактаб яратди.

Унинг асарлари наинки минтақамиз, ҳатто АҚШ ва Германия, Франция ва Туркия, Россия ва Япония каби мамлакатлар олимларининг эътиборига тушди, эътирофини қозонди. Бир қанча халқаро академияларга, илмий марказларга аъзо, мухбир аъзо этиб сайлангани бунга далил.

Илмда ҳалоллик Бегали Қосимовнинг ҳаётий аъмоли эди. Ҳақ гапни айтиш зарур бўлганида, олим ҳеч кимни аямасди. Лекин ҳақиқатни айтишда зинҳор ҳиссиётга берилмас, юксак маданият билан, чинакам олимларга хос вазминлик билан айтарди. Олим ҳаётлигида матбуотда чоп этилган сўнгги асари — «Жаҳон адабиёти» журналида (2004 йил июн) босилган «Чўлпон ҳақида роман» мақоласи бунинг яна бир исботи.

Профессор Наим Каримовнинг «Чўлпон» маърифий романи ҳақидаги ушбу мақолада асар «зийнати билан ҳам, мазмун-моҳияти билан ҳам ҳар қандай ўқувчини мамнун қилиши», муҳим ютуқлари эътироф этилган. Шунинг баробарида, мазкур китобдаги айрим камчиликлар, тузатилиши зарур бўлган ўринлар ҳақида ҳам далилланган, қувватли илмий мулоҳазалар билдирилган. Ушбу фазилатларини эътиборга олиб, мақолани газетамиз саҳифаларида эълон қилишни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ

4-5

### ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимида шоир Ориф Гулханий Самарқандий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган кўрик-танлов якунланди. Танловда йигирмага яқин ижодкорлар қатнашдилар.

Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида бўлиб ўтган тадбирда ғолибларга Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Ориф Гулханий уй-музейининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Самарқандлик таниқли ижодкорлар танлов ғолибларини қутладилар.

О.ҲОЖИ

*Самарқанд*


"ҒАЛЛАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА,
ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

UJB O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK
Imkoniyat yaratamiz

КЎПНИ КЎРГАНЛАР...

# БОЛАЛАР ҚАЛБИНИНГ ҲАКИМИ

**Қишлоқда бир дўстим бор. Абжал буванинг боғидан битта ғайноли ўмарсак ҳам, ўртада баҳам кўриб улғайганмиз. Унинг касби агрономлик бўлса-да, учига чиққан "китоб жинниси", гапни адабиётга бурасизми, фалсафагами, диний ёки сиёсий мавзуга ўтасизми, барибир, лип этиб ўша жойдан илиб чиқади.**

Яқинда қишлоқда бўлганимда, у атайлаб шаҳарга бориб ҳам неварасига лотин ҳарфида босилган тузукроқ китоб тополмай қайтганини сўзлай бошладию, суҳбатимиз ўз-ўзидан болалар китобхонлигига келиб тақалди.

— Бир нарсага жуда ачиниб кетаяпман-да, — деб куюнди дўстим. — Ҳозирги болаларнинг аксарияти адибларимизнинг дарсликларида берилган бир-иккита шеърлари, ҳикоялари орқали ғира-шира танишади. Биронтасининг ижоди ҳақида кенгроқ тасаввурга эга эмас. Болаларга мўлжалланган китоблар илгарилари ўттиз, олтмиш, ҳатто юз минг нусха атрофида босиларди, дўконлардан олдин мактаб кутубхоналарига етиб келарди. Эсингиздами, адибларнинг юбилейлари шарафига босилган кўпжилдли асарлар шундоққина қишлоқ дўконларида ҳам сотиларди. Энди юбилей-мубилей деган гапларам камайиб кетди шекилли, а?

— Бўп турибди.

— Биламан, болалар учун ёзадиган адиблар жаҳондаям, биздаям жуда камчиликни ташкил этади. Борлариниям болаларимизга тузукроқ кўрсатолмаяпмизми дейман-да. Айтайлик, Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоевларнинг олтмиш ёшида ҳам, Худойберди Тўхтабоевнинг етмиш ёшида ҳам кўпжилдли асарларига кўзимиз тушмади. Китоб жавонимга қарасам, масалан, Ҳаким Назирнинг эллик йиллигида икки жилдли, олтмиш йиллигида беш жилдли танланган асарлари босилган экан... Ҳа, айтгандай, Ҳаким Назир домла матбуотда кўринмайроқ қолдилар. Соғликлари яхшими?



Бу сира кутилмаган савол бўлди. "Ҳа, бардам-бақувват юрибдилар", дедиму, ўзим ҳам ўйланиб қолдим. Ўйлаб-ўйлаб, Ҳаким ота билан охирги марта қачон кўришганимизни аниқ эслай олмадим.

Мундоқ қараганда, бунинг таажжубланарли жойи йўқдек. Гоҳ турли адабий йиғинларда кўришиб қолиб, шингил-шингил суҳбатлашиб юрганлигимизни, гоҳ жажжи китобхонлар билан бўладиган учрашувларнинг айримларида бирга иштирок этганлигимизни ҳисобга олмаганда, у киши билан бордикелди даражасида яқинлигимиз бўлмаган. Дам бир-биридан хушахлоқ фарзандлари дуч келиб қолишса, отанинг ҳол-аҳволини суриштириб, салом йўллаб туришимни, дам бирон-бир янги китобим ёки матбуотдаги чиқишимни қутлаган бўлиб, отанинг ўзи телефонда "балли-балли"лаб қўйишлигини эса, орамизда ўзаро ҳурмат мавжудлигининг белгиси дейиш мумкин.

Газета-журнал титкилашни эрталабки нонушта, китоб дўконларида тимирскиланиб юришни кўнгилочар сайил сифатида қабул қилувчи ўша дўстимнинг охирги саволи мени бошқа ёқдан таажжубга солди — Ҳаким ота наҳотки тобора эсимиздан чиқиб бораётган бўлса? Усмон Носир билан қарийб тенгдош бўлган, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Авлонийлар даврасини кўрган, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемирдек зотлар билан елкама-елка қалам тебратган, Ҳамид Олимжон, Зафар Диёр, Султон Жўра, Шукур Саъдулла, Қудрат Ҳикмат, Қуддус Муҳаммадий кабилар сафида туриб, ўзбек болалар адабиётини янгидан-янги поғоналарга кўтариш иштиёқида кўп тер тўккан бу адиб балки эстафетани Худойберди Тўхтабоев, Миразиз Аъзамлар авлодига топшириб, қариганда енгилроқ нафас олиб яшашни мақбул кўргандир. Аммо бу энди унинг даври ўтди, дегани эмас-ку. Ахир, ҳар бир даврнинг ўз хусусияти бўлган, ривожланиш босқичи бўлган, сиёсий муҳити бўлган. У ёки бу адибнинг ижодига назар ташламоқчи бўлганимизда, унинг хизматларини баҳолашга уринганимизда, шуларни ҳисобга олишимизга тўғри келади.

Баъзида тинимсиз ижоддан руҳий толиқиш боис, баъзида замонадаги кескин ўзгаришлар туфайли айрим адиблар қирқ-эллик ёшидаёқ сўна бошлаганига адабиёт олами кўп гувоҳ бўлган. Ҳаким ота шу ёшларида ҳам тиниб-тинчимай, қаламни қўлдан қўймай ҳаммамизга ибрат бўлиб турибдилар. Шундай бўлса-да, адибдан ҳадеб бугунни талаб қилавермай, кечаги ишларини ҳам ҳурматлаб турмоғимиз зарур. Вақтли матбуот ҳам, нашриётлар ҳам қилар ишни қўлдан келганича қилиб бўлган кексароқ адиблардан яна янги нарсаларни кутавериши тўғри эмас. Болалар адабиётида маълум бир ўрни бор кимсалар, мабодо ўзлари эринчоқлик қилсалар, матбуотчилар, биринчи галда болалар матбуоти ходимлари уларни қидириб топиб, ўтмиш хотиралари билан замоннинг долзарб мавзуларида суҳбатлар уюштириб туриши, илгари ёзилган асарларидан бўлса ҳам намуналар бериб боришлари лозим. Нашриётчилар мундоқроқ "янги"дан кўра синалган "эски" афзал эканини унутмаганлари маъқул. Масалан "Сариқ девни миниб", "Шум бола" каби асарлар қайта-қайта нашр қилинса-да, дўконларда сарғайиб ётгани йўқ. Кичкинтойларга бағишланган қувноқ шеърлар безакдор тарзда яна ва яна чоп этилишини митти китобхонлар орзиқиб кутишмоқда. Бинобарин, Маршак, Чуковскийларнинг деярли ҳар битта шеъри рангли китобчалар тарзида йилига, йил ора янгитдан босилавериши Россияда одат тусига кирган. Бу шеърлар ҳар сафар ўқувчига ўзгача безак билан тақдим этилади. Бу жуда тўғри йўл. Зеро, болалар туғилаверади, униб-ўсаверади, ҳар йили жажжи китобхонларнинг янги бир авлоди пайдо бўлаверади.

Болалар матбуоти, нашриётлари бизда ҳам шу йўлдан бормоқлари зарур. Изланиш учун ўзларида имконият етишмаса, болалар адабиётининг таниқли жонкуярларига таяниб, фарзандларимиз тарбияси учун бугун ҳам кечагидек фаол хизмат қила олувчи ҳар битта шеър, ҳар битта ҳикояни асраб-папалаб, кичкинтой ўқувчилар қўлига тутмоғимиз шарт. Шу томондан қаралса, «Бақалоқ ва чақалоқ», «Кенжатой», «Лочин қанотлари», «Болажонларим», «Одамнинг қадри», «Бир оғиз сўз», «Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим», «Оқибат» сингари ўнлаб китобларнинг муаллифи бўлган Ҳаким Назир асарларида бугунги кун болаларига сабоқ бера оладиганлари, маънавиятимиз ривожига ҳисса қўшадиганлари талайгина.

Ҳаким ота ижодининг бир хусусияти доимо диққатимни тортиб келган. У болаларга болачасига сўзлашга интилувчилар тоифасига киради, ифодалар ўта содда, жумлалар боғча боласининг ҳам тилини тутилтирмайдигандек. Асарларидан ўзбекона турмуш, ўзбекона ахлоқ-одобнинг иси таралиб туради.

Ўзбек болалар адабиётини тарғиб этишга астойдил хизмат қилиб келаётганлар сафида турувчи Мамасоли Жумабоев: «Ҳаким Назирнинг кўпгина ҳикоялари боғча ёшидаги ёки эндигина биринчи синфга қадам қўйган болалар ҳаётини акс эттиришга бағишланган... Бундай ҳикояларда болалар ўртасида ўзаро дўстлик, ахлоқ-одоб, аъло ўқиш, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш, катталарнинг юмушларига кўмаклашиш, қушлар ва жониворларга ғамхўр бўлиш, орзу-умидлар қанотида яшаш ва бошқа масалалар акс этганини кўрамиз», деб ёзганда, булар асло майда мавзулар эмаслиги, болалар хулқ-атворини шакллантиришда жиддий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашга урингани бежиз эмас. Турмуш кечиришда бутун бошли уйнинг ҳам, оиладаги биттагина қозон ёки чойнакнинг ҳам ўз ўрни, ўз қиммати бор. Шунга ўхшаб, фарзандлар тарбиясидаги воситалар ҳам салмоққа қараб эмас, нечоғли кераклигига қараб қадрланади. Баъзида кичик бир ҳикоя болага ўнта дарсда ололмаган зарур тушунчаларни бериши, бутун бир дарсликдан кучлироқ ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Пайти келса, адабиёт болада яхши феъл-атвор ҳосил қилишда ота-она ва мактабдан-да устунроқ туради. Болалар адиби — болалар қалбининг ҳакими. Шу жиҳатдан қаралса, Ҳаким ота исми жисмига монанд адибдир. Унинг ижодини синчиклаб элакдан ўтказсак, болалар кўнглига яхшилик нурини таратишга қодир сўз дурлари кўплигига амин бўламиз. Ҳамма гап болаларимизга керакли нарсаларни қидириб топишдан эринмаслигимизда, болаларимизга иқтидор тилаб яшаган, яшаётганларни қадрлай билишда.

Бир ёнда турфа хил мевалар ғарқ пишиб турган боғлар, бир ёнда полиз ва сабзавот майдонлари ер узра ёйилган улкан тўй дастурхонидек ястаниб ётган масканни кезар экансиз, кимдир бу жой илгари ҳувиллоқ қўриқ бўлганини айтса, бунга ишонгингиз келмайди. Сўнг ўйланиб қоласиз — бу ерларга дастлаб кимлар сув келтирган экан? Бўз тупроққа илк бор омоч солганлар кимлар эди? Кимдир бир таноб, кимдир юз таноб ерни обод қилгандир, кимдир бир туп кўчат ўтқазиб, кимдир поёнсиз мевазор бунёд этгандир. Лекин, нима бўлгандаям, буларни ўшалар биргаликда яратишган, буларни биз қилганмиз дейишга ҳар бирининг ҳаққи бор, албатта. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Машраб, Гулханий, Фурқат асарларидан тортиб, «Гўрўғли», «Алпомиш», «Кунтуғмиш» каби халқ достонларию ривоят ва эртакларимизгача қадим-қадимдан буён юртимиз фарзандлари тарбиясида катта ўрин тутиб келаётган эса-да, XIX аср сўнгроғида алоҳида йўналиш сифатида шакллана бориб, XX асрда маълум қиёфа касб этган ўзбек болалар адабиётини ҳам айнан шу ҳолатга қиёслаш мумкин. Бу жабҳада қилган хизматининг кўлами, эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар, болалар адибларининг барчаси ушбу гулшанни яратдик, дейишга ҳақлидир. Улар орасида тўқсонни қоралаш арафасида турган, ҳаётнинг қарийб етмиш йилини диёримиз болаларига баҳоли қудрат мураббий бўлишга бағишлаган, уларнинг олам аҳли ҳавас даражада камолотга эришувини орзулаб яшаётган Ҳаким Назир ҳам бор. Унинг болаларимизга илинган юрак сўзлари ҳаётда ҳали кўп асқотади.

**Анвар ОБИДЖОН**

ОНА САЙЁРА — ҚЎРИҚХОНА

# ЕРНИНГ ҲИМОЯ ҚОБИҒИ МУСТАҲКАММИ?

## Ёхуд Антарктида узра озон туйнуги

**Ойнаи жаҳондаги рекламаларга ҳам ўрганиб қолдик. Хушрўйгина қиз қилган хариди учун сотувчидан чек сўрайди. "Агар сиз пулингизни банкка топширмай даромадни соликдан яширсангиз, мен маошимни вақтида ололмайман. Демак, дўконингиздан бошқа ҳеч нарса харид қилолмайман", дейди.**

**Қаранг, кундалик ҳаётдаги оддий мувозанат занжирининг бузилиши нимага олиб келади. Ҳайриятки, куни кеча "чеки керак эмас" дея ўзи учун арзимас туюлган нарсага "ҳотамтойлик" қилиб кетаверадиган кимсалар хатога йўл қўяётганини англай бошладилар. Гарчи, олди-сотдидаги бундай соғлом тамойил ҳамма жойда ҳамма томонидан, ҳали охиригача тушуниб етилмаган бўлса-да, ойнаи жаҳондаги энсани қотирмайдиган рекламалар боис ижобий самара ҳам бераётир.**

**Кошкийди, инсон, жамият мана шундай ўзи фаҳм этмаган жуда кўп ҳақиқатларни ҳам англаб етсаю бутун инсоният оёғига тушов бўлаётган муаммолардан ўзини ва фарзандларини, келажак авлодларини қутқазса?! Бундай муаммолар эса сон мингта. Уларнинг аксарияти инсоннинг ўзи ва у яшаётган муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлгани боис, бу муаммоларни англамаслик инсоннинг ўз оёғига болта уришига ўхшаб кетади. Булар — ўлим қуроллари тайёрлаб сотиш ва шу йўл билан даромад топишдан ўзини тия олмаслик; террорчилик; экологик хавфсизликни назар-писанд қилмаслик ва ҳоказолар.**

Бутун жаҳоннинг не-не алломалари, ижод аҳли, санъат ва спорт юлдузлари "SOS" қўнғироғини қанчалик баланд чалмасинлар, муқаррар юз бережак хавф-хатардан қанчалик огоҳ этмасинлар, Ердаги Ҳаётни сақлаб қолишни уддалаш қийин бўлган муаммолигича қолаётир. Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" романи инсоният учун хавф-хатардан огоҳ этувчи шундай бонг бўлгани ҳаммага маълум. Машҳур адибнинг "Оқ кема", "Қиёмат" каби асарлари ҳам маънавий-руҳий экологиянинг бузилишидан изтиробга тушган инсоннинг фалакка арз-доди янглиғ акс-садо берган эди. Инсониятни, ердаги миллион йиллар давомида яратилган жамики маданий тамаддунни "озон туйнуги" ютиб юбораман деб турганда у ёки бу халқнинг ҳудудий тобелигини сақлаш учун неча йиллардан буён давом этаётган охири йўқ урушдан тийилмасликда бирон-бир мантиқ бўлиши мумкинми?!

Бундан етти йил муқаддам Япониянинг Киото шаҳрида жаҳондаги энг нуфузли давлатларнинг вакиллари тўпланишиб, эндиликда инсоннинг техникавий фаолияти билан боғлиқ жараёнлар табиатга тузатиб бўлмас даражада зиён етказаётганига иқрор бўлдилар. Яъни Антарктида қитъаси устидаги озон қатламларининг емирилиши туфайли очилиб қолган туйнукнинг тўхтовсиз катталашиб бораётгани ниманинг оқибати эканлигига аниқ-тиниқ ташхис қўйилди. Ердаги ҳаётни чилпарчин қилиши мумкин бўлган бу жараён, аввало, саноат ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлаётган тутунлар ва транспорт воситаларидан чиқаётган ис газларининг ҳавога кўтарилиши туфайли юз бераётир.

Хўш, Ернинг ҳимоя қобиғи — озон қатлами нима ўзи? Унга илмий манбаларда шундай таъриф берилган: ер сиртидан 10-50 км баландликда жойлашган ҳаво қатлами. 20-25 км баландликдаги муҳитда озон энг кўп тўпланади. Озон Қуёш радиациясини кучли даражада ютади. Шунинг учун Қуёш радиациясининг биологик жиҳатдан анча актив қисми ер сиртига етиб келмайди.

Демак, озон қатлами Қуёшдан келаётган саломатлик учун хатарли радиация нурларини Ер сатҳига ўтказиб юбормайдиган она сайёрамизнинг ҳимоя қобиғидир. Сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, атмосферадаги озон қатлами бутун тирик мавжудотни хавфли радиация нурларидан муҳофазалабгина қолмай, айни чоғда, Ердаги ҳароратни бир меъёрда ушлаб турувчи мувозанат занжирининг бетакрор бир халқаси ҳам экан.

Саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва транспорт воситаларидан чиқаётган ис газлари, биринчи навбатда, ана шу ҳимоя қобиғини емириш билан бирга ҳароратнинг ошишига ҳам сабаб бўлаётир. Ҳимоя қобиғининг емирилиши тирикликка қирон келтирувчи радиактив моддаларнинг ҳеч бир тўсиқсиз Ер сатҳига етиб келишига, бинобарин, ҳайвонот ва наботот оламининг барбод бўлишига олиб келса, ҳароратнинг кўтарилиши эса музликларнинг эриб битиши, иқлимнинг буткул ўзгариши, хатарли тўфону довуллар, тошқинлар юз беришига, Ердаги тектоник ҳаракатлар мувозанатининг издан чиқиб, вулқонларнинг уйғониши, кучли зилзилаларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумки экан.

Етти йил муқаддам Киотода тўпланган жаҳон давлатларининг вакиллари ана шу хатарли жараённи тўхтатиб қолиш мақсадида бутун дунё жамоатчилигини Ернинг, ундаги Ҳаётнинг тақдири бугун ўз қўлимизда эканлиги, эртага бундай имконият бой берилиши мумкинлигидан огоҳ этдилар. Барча давлатларнинг раҳбарлари, умуминсоний тамаддун ва унинг бебаҳо бойликларини ҳимоя қилувчи жамиятлар, ижтимоий ташкилотлар номига қилинган Мурожаатда экологик хавф-хатарни бартараф этиш учун барча мамлакатлар Киото Баённомасини имзолашга даъват этилди. Баённомани имзолаш шартлари сифатида ҳавога чиқариш мумкин бўлган ис газлари миқдори бўйича ҳар бир давлат учун муайян квоталар ишлаб чиқилиб, у шу шартларни бажаришни зиммасига оладиган давлатлар ихтиёрига ҳавола қилинди. Қайсики давлат Баённомани имзоласа, ўз ҳудудидаги саноат корхоналаридан белгиланган миқдордан зиёда ис газлари чиқарилмаслигини таъминлаши, бинобарин, бунинг учун саноат корхоналарини такомиллаштириб бориши, ҳавони кўп булғаб озон қатламини тез емирадиган заҳарли тутунлар чиқарувчи ишлаб чиқариш турларидан воз кечиши ёхуд уларни экологик жиҳатдан зарарсиз усулларда ишлашга ўтказиши зарур бўлади.



Бироқ Ердаги ҳаётни сақлаб қолишда энг зарур қадам бўлган бу даъват барча давлатлар томонидан ҳам бирдай тушунилмади. Ҳатто, кимсан, Америкадай буюк давлат ўз ҳудудидан ҳавога чиқараётган заҳарли тутунлари атмосфера ҳавосининг жамики булғанишининг учдан бир қисмини ташкил этаётганига қарамай, узоқ муҳокама жараёнларидан сўнг, ахийри Баённомани имзоламаслигини маълум қилди. Нима эмиш, индустриал жиҳатдан ҳар томонлама тараққий этган бу давлат Киото Баённомаси шартларини бажариши учун 300 миллиард доллар миқдорида харажат сарфлашига тўғри келар экан. Қаранг-а, жаҳондаги энг ривожланган, ҳаёт ҳар жиҳатдан тўкис изга тушган, моддий фаровонлик юқори даражага етган давлатнинг ҳам Ердаги ҳаётни сақлаб қолиш учун 300 миллиард маблағга кўзи қиймаяпти?! Ҳолбуки, Ироқдаги беҳуда уруш учун истаганча маблағ кўкка совурилмоқда.

Австралия ва Хитойдай йирик мамлакатлар ҳам американикларнинг йўлини тутишди. Ҳатто Япония, Канада сингари энг ривожланган мамлакатлар ҳам бу борада иккиланиб қолишди. Оқибат шу даражага бориб етдики, Киото Баённомасининг ҳаётга татбиқ этилиши ёки умуман рўёбга чиқмаслиги масаласи кескин даражада муаллақ туриб қолди. Бу жараёнда ҳал қилувчи овоз Россиянинг Баённомани имзолаши ёки имзоламаслигига боғлиқ бўлиб қолган эди. Агар бу давлат ҳам Баённомани ратификация қилишдан бош тортса, етти йил муқаддам боши бир жойга қовушган инсоният вакилларининг Ердаги ҳаётни сақлаб қолиш йўлида қўйган илк қадами самарасиз бўлиб, тирикликни, ҳаётни сақлаб қолиш учун бирдан бир зарур бўлган муҳим фурсат бой берилган бўлур эди. Ҳайриятки, Россиянинг давлат Думаси ўтган ҳафтада Киото Баённомасини тасдиқлади.

Бунинг инсоният учун муҳим жиҳати шундаки, Киото Баённомаси кучга кириши учун у Баённомани имзолаган давлатларнинг ярмидан кўпида ратификация қилиниши зарур. Чунки айнан мана шу мамлакатлар ҳавога чиқараётган жамики ис газларининг 55 фоизи учун жавобгардир. Бошқача айтганда, озон қатламига емирувчи таъсир кўрсатадиган шунча миқдордаги ис газлари улар ҳудудидаги саноат ва транспорт воситаларидан осмонга кўтарилади. Баённомани шу чоққача 126 мамлакат маъқуллаган. Уни имзолаган давлатларнинг сони жиҳатидан ҳеч бир муаммо йўқ. Бироқ, ҳамма гап шундаки, Баённомани имзолаган мамлакатларнинг аксариятида ҳавони заҳарловчи тутунлар чиқарадиган саноат турлари амалда йўқ даражада. Мана шунинг учун ҳам улкан ҳудуд ва ҳавони турфа тутунлар билан заҳарловчи минглаб саноат корхоналарига эга бўлган Россиядай катта мамлакатнинг Баённомани ратификация қилиши унинг ҳаётга татбиқ этилиш жараёнида энг муҳим ташаббус бўлиб қолиши шубҳасиз.

Бироқ, Россиянинг ўзида, худди Сибир сувларининг атиги бир қисмини Марказий Осиёга оқизиш масаласида бўлгани каби Баённоманинг тарафдорларию мухолифлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, Президент маслаҳатчиси Андрей Илларионовнинг фикрича, бу ҳужжатни имзолаш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки-уч баробар ошириш йўлидаги режаларни барбод қилади.

Хўш, нега шунга қарамай Дума бу ҳужжатни маъқуллаб овоз берди. Биринчидан, бу ҳужжатни имзолаш натижасида бой бериладиган ёки қўлга киритиладиган имкониятларни узоқ вақт ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, у ҳар жиҳатдан Россия учун фойдали экан. Негаки, ҳавога чиқаришга рухсат этиладиган ис газлари бўйича Россия учун белгиланган квоталар миқдори жуда катта. Ҳудудининг кенглиги ва ўрмонзорларининг бениҳоя катталигига нисбатан олиб қараганда, мавжуд саноат корхоналаридан чиқадиган тутунлар миқдори квотада рухсат этилган даражага ҳам етмайди. Демак, заҳарли тутунларни ҳавога чиқариш бўйича белгиланган квоталарининг бир қисмини ривожланган мамлакатларга сотиш йўли билан ҳам катта даромад олиш мумкин экан. Қаранг, айнан мана шу жиҳат Россиядай буюк давлатнинг Киото Баённомасини имзолаши учун бирдан бир ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Чунки белгиланган квоталар лимитининг бир қисмини бошқаларга сотишнинг ўзидан ўн миллиард доллар миқдорида фойда кўриш мумкин экан. Фақат АҚШнинг Баённомани имзолашдан бош тортиши бу фойдани деярли ўн баробарга камайтириб юборади. Европа Иттифоқи мамлакатлари эса шу квоталарнинг бир қисмини харид қилиш юзасидан қизғин ваъдалар бериб келганига қарамай, ҳозир амалда уни сотиб олишга унчалик ҳам шошилмаяптилар. Фақат Шарқий Европа мамлакатларигина квоталарни биринчи навбатда сотиб олишга тайёр туришибди.

Ахир, заҳарли тутунлар қайси мамлакат ҳудудидан кўтарилишидан қатъи назар, барибир, она ер экологиясига хавф солади-ку?!

Шундай экан, белгиланган квоталарни сотиш мақсадигагина таяниб иш тутиш нечоғлик ўзини оқлайди? Бунинг устига бу квоталар ҳозирча зарур бўлмагани билан у эртага албатта керак бўлади. Ўшанда эскирган саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш учун катта маблағлар зарур бўлмайдими? Баённомани ратификация қилган давлатлардан бирортаси ҳавони ҳаддан ташқари заҳарловчи эскирган корхоналарни ёпиш ёки бутун бир тармоқни тўхтатишни талаб қилиб қолса нима бўлади? Демак, квоталарни сотиб юбориш қанчалик мақсадга мувофиқ, деган мантиқли савол ҳам келиб чиқади.

Киото Баённомасини имзолаш ғоясининг мухолифлари бир-бирига зид турли нуқтаи назарларни илгари суриш орқали, Баённома бутун жаҳонда имзоланиб кучга кирган тақдирда ҳам, ундан экологияни соғломлаштириш учун келадиган нақд самара жуда арзимасдир, деган ғайритабиий фикрни одамлар онгига сингдиришга зўр бериб уринмоқдалар. Улар ҳатто ҳавонинг ниҳоятда исиб кетиб жиддий катаклизмларга сабабчи бўлган яқин 10 йилнинг ўтган асрнинг сўнгги 15 йили ичида келганини ҳам Ер ҳароратининг глобал даражада исишига ҳеч бир алоқаси йўқ, дея изоҳламоқчи бўляптилар.

Мана шундай қарама-қаршиликларга қарамай давлат Думаси қизғин муҳокамалардан сўнг Киото Баённомасини ратификация қилди. Бу қадамни, албатта, табриклаш керак. Бу инсоният тарихида илк бор жаҳондаги барча мамлакатларнинг умумий саъй-ҳаракати билан Ер курраси экологиясини тиклаш, бинобарин, Ердаги ҳаётни сақлаб қолиш йўлида қўйилган йирик кўламдаги уриниш бўлиб қолади.

***Мақолага сўнгги нуқтани қўяётганда "Машъал" радиоси тўлқинларидан хушхабар таралди. Самарқанддаги "Сино" совутгичларини ишлаб чиқарувчи корхона янги технологиялар асосидаги қайта жиҳозлашдан сўнг яна ишга тушибди. Энди совутгичларнинг музлатгич хоналари аввалгидек озон қатламини емирувчи фреон моддаси билан эмас, экологик жиҳатдан бутунлай хатарсиз бўлган бошқа моддалар билан тўлғазилаётган экан. Демак, Ердаги Ҳаётни сақлаб қолиш — атроф-муҳитни озон туйнугининг беҳад катталашиб кетиш хавфидан асраш йўлидаги умуминсоний саъй-ҳаракатларда бизнинг ҳам улушимиз бор.***

***Аллоҳ инъом этган еру осмоннинг мусаффолиги, пурвиқор тоғларимиз, улуғ дарёларимиз гўзаллиги — бизнинг энг катта бойлигимиз. Ҳаёт деб аталмиш буюк неъматнинг қадри биз учун ҳам, келажак авлодларимиз учун ҳам бениҳоя юксакдир.***

**М.АБДУЛЛАЕВ**




# «ВАТАНИМ ДЕБ, СЕНИ, УЙҒОНДИМ»

Оташнафас шоир Ҳамид Олимжоннинг бу жўшқин мисрасини билмаган шеърият мухлиси бўлмаса керак. 27 октябр куни «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган адабиёт байрами шундай номланди. Сўнгги йилларда Ёзувчилар уюшмаси ва Ёшлар ижтимоий ҳаракати истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу маданий-маърифий кеча бунинг ёрқин далили. Таниқли адабиёт ва маданият намояндалари, Зулфия номидаги мукофот соҳибалари, олий адабиёт курси тингловчилари, пойтахт олий ўқув юртларининг истеъдодли талабалари иштирок этган адабиёт байрамини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очиб, барча ёш истеъдод эгаларини самимий қутлади. «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев бундай байрамларни мунтазам равишда ўтказиб боришга доир режалар ҳақида сўзлади.

Анжуманда таниқли шоирлар қатори шеърият майдонига эндигина кириб келаётган ёшлар ҳам ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Қирққа яқин шундай ижодкорларнинг сара шеърлари жамланган «Ватаним деб, сени, уйғондим» тўплами тақдимоти байрам файзига файз қўшди. Таниқли шоирлар ва ёш истеъдодлар ўқиган шеърлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда умидли хонандалар ижро этган куй-қўшиқларда тинчлик ва озодлик, она-Ватан ва мустақиллик сингари улуғ қадриятлар тараннум этилди.

Таниқли шоирлар Сирожиддин Саййид, Салим Ашур, Иқбол Мирзо, Минҳожиддин Мирзо, Хосият Рустамова, Гулжамол Асқарова, Ориф Тўхташ, Усмон Бек, Шуҳрат Орифлар бошлаган мушоирани Зулфия мукофоти совриндорлари, Олий адабиёт курси тингловчилари давом эттирдилар.

Ушбу адабиёт байрами «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг истеъдодларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлиги самарасидир. Ҳозир уюшма қошида «Онажоним, шеърият» ижодий тўгараги ва бошқа кенгашлар иш олиб бормоқда. Ижодкор ёшларда таржимонлик қобилиятини шакллантириш ҳам уюшма раҳбариятининг эътиборида турибди. Жаҳон тиллари университети талабаларининг хорижий тилларда ўқиган шеърлари бунга яққол мисолдир.

Тадбирда Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет қошидаги Олий адабиёт курсини ўтган йили тамомлаган тингловчиларга дипломлар топширилди. Бундай адабиёт байрамлари ижод оламига эндигина кириб келаётган умидли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда алоҳида ўрин тутади.

**Насиба ЮСУПОВА**

Мақсуда ЭРГАШЕВА

# МОМОЛАРИМ ОҚИЛАДИР, СОҲИРАДИР



### ФАХРИЯ

Бегойимлар кибор билан қарайдилар,
Сиз ўзи қай қишлоқдан, деб сўрайдилар.
Биз томоннинг чит кўйлакли гўзаллари,
Пахтазорда, қишлоқдадир, кўрмайдилар.
Момоларим оқиладир, соҳирадир,
Қалбим менинг, руҳим менинг шоирадир.

Эгним менинг сал мундайроқ кўринса ҳам,
Ҳусним менинг сал ундайроқ кўринса ҳам.
Кўйлагимнинг ёни қийиқ эмас, лекин,
Қаддим менинг сал шундайроқ кўринса ҳам. —
Момоларим оқиладир, соҳирадир,
Дилим менинг, руҳим менинг шоирадир.

Сизлар «Аква» сувлар ичиб юрсангиз ҳам,
Биз дунёнинг ғамларини ичадирмиз.
Сизга, майли, бўлаверсин бор тўкислик,
Бизлар эса камларини ичадирмиз.
Момоларим оқиладир, соҳирадир,
Кўнглим менинг, руҳим менинг шоирадир.

Ипак йўли ўтган бизнинг ҳовлимиздан,
Кўкда булут ҳосил бўлар ҳовримиздан.
Яшаяпмиз бодринг чопиб, сабзи ўтаб,
Лекин қайси жиҳат билан каммиз сиздан
Момоларим оқиладир, соҳирадир,
Жисмим менинг, руҳим менинг шоирадир.

Ҳовлидаги толдан бўлган бешигимиз,
Лўлига ҳам очиқ турар эшигимиз.
Рақсга тушсак Қизлархондан ўтамиз биз,
Юлдузхондан зўрдир айтсак қўшиғимиз.
Момоларим оқиладир, соҳирадир,
Юртим менинг, руҳим менинг шоирадир.

### БИР ҚИЗ БОҒДА...

Бир қиз боғда гуллар аро
Кўмилади,
Гул чанги-ю муаттарга
Чўмилади.

Орқасидан бир бўтакўз
Бўй чўзади,
Тикангул ҳам кўйлагига
Қўл чўзади.

Гул-чаманга тегманг, дея
Зорланади,
У бировни севгани ҳам
Орланади.

У уялиб чаманзорни
Ташлаб кетар,
Сизни эса жаннатларга
Бошлаб кетар.

### МУНОФИҚ

Унутилар гина ва кудрат,
Дунёда бор экан муҳаббат.
Унутилмас бир алам фақат
Дўст дўстини сотганда, ҳайҳот.
Бу гуноҳни қалам ўчирмас,
Мунофиқни худо кечирмас.

Тўлиб кетар бир кун Орол ҳам,
Бой бўлади бир кун қарол ҳам,
Фақатгина бир кам тўлмайди,
Дўстни сира сотиб бўлмайди.
Бу гуноҳни қалам ўчирмас,
Мунофиқни худо кечирмас.

Топа-тута кунинг ўтади,
Бошлаб қўйган уйинг битади,
Бир кун юрак нурайди тамом,
Дўстинг сени сотса вассалом.
Бу гуноҳни қалам ўчирмас,
Мунофиқни худо кечирмас.

### ҚИЗЛАР ШЕЪР ЁЗСАНГИЗ...

Қизлар, шеър ёзсангиз
Уялиб ёзинг,
Қизил гул рангига
Бўялиб ёзинг.

Мисоли ипакдек
Химарилиб ё,
Толнинг новдасидек
Буралиб ёзинг.

Қизлар севгисини
Бақириб айтмас.
Ошиқни ёнига
Чақириб айтмас.

«Мени ундоқ ва ё
бундоқ севинг», — деб
жумлаи жаҳонга
ҳайқириб айтмас.

Қизлар шеър ёзсангиз
Савги ҳақида
Ғунчадек тортиниб,
Сиқилиб ёзинг.

Сиз чиндан севсангиз
Қизғалдоқ каби
Юраги пойига
Йиқилиб ёзинг.

Маҳмуд ТОИРОВ

# МЕН СИЗНИ СОҒИНДИМ, ОЧИЛГАН КЎЗЛАР...



### АЗИЗ БЎЛАРМИДИ...

Жонинг чаманида гулинг сўлмаса,
Гулюз гулоб қуйса жоминг тўлмаса,
Кексайгинг келмаса, кетгинг келмаса,
Азиз бўлармиди дунё бунчалар?

Умид уммонида кеманг чўкмаса,
Қувонч қадаҳ тутса, андуҳ тўкмаса,
Бир дўсти жонажон сени уқмаса,
Азиз бўлармиди дунё бунчалар?

Меҳрингга ташналар йўлинг кутмаса,
Оқибат болангга қондан ўтмаса,
Қартайсанг, набиранг асо тутмаса,
Азиз бўлармиди дунё бунчалар?

Зийнатинг зиёда, халқинг дуода,
Қўлларинг меҳнатда, дилинг Худода,
Юрмасанг ўзингдан рози, дунёда,
Азиз бўлармиди дунё бунчалар?

### ОМАДИН ОЛМА

Кўнгилнинг тубини кўзгу кўрсатмас,
Қизарган йигитни кўзгуга солма.
Худойим, омад бер ҳар бир йигитга,
Отини олсанг ҳам омадин олма.

Яйраса ярашар йигит зотига,
Қувонч қувиб юрсин, дуодан толма.
Тоғни толқон қилсин элнинг корида,
Сочлари оқармай қоматин олма.

Муҳаббат меросдир Одам Атодан,
Момо Ҳаволарим қайғуга солма.
Севилиб яшасин, севиб яшасин,
Жонини олсанг ҳам, жононин олма.

Ҳар фарзанд умрнинг узун йўлидир,
Ўзбегим бешиги сира бўш қолма.
Йигит тиззасида ўғли ўтирсин,
Элга мардлар керак, полвонин олма.

Оллоҳим, кўзини тўқ қил йигитни,
Бир нафси йўлида юз қўйга солма,
Бергувчи ўзингсан, олгувчи ўзинг,
Орини олмагин, омадин олма.

### ОЧИЛГАН КЎЗЛАР

Шунчаки ёзгим йўқ қоғоз қоралаб,
Юракни тарс этиб ёриб чиқар бу сўзлар.
Мен кўрдим, борурсиз гулзор оралаб,
Сизни соғингандим, очилган кўзлар.

Қон қақшаб пойгакда жон берди ёлғон,
Тавбага тиз чўкди титраган тизлар.
Юзларинг шунчалар ёруғми иймон,
Сизни соғингандим, очилган кўзлар.

Офтобдан доғ излаб оввора бўлган,
Офтобга қаролмай уялган юзлар.
Ҳечдан кўра кеч жиққа ёшга тўлган,
Сизни соғингандим, очилган кўзлар.

Бахтсиз бўлай демас дунёда ҳеч кас,
Сўнгги нафасда ҳам саодат излар.
Энг аввал ўзини таний олса бас,
Сўнгги нафасида очилган кўзлар.

Мен сизни соғиндим, очилган кўзлар...

### ОЛСАНГ...

*Набирам Илёсга*

Яхшиман дейишдан ҳеч қилмайман ор,
Беайб парвардигор, қусурлар ҳам ёр.
Шундан хижолатман, бир ўтинчим бор,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Йўл юрсанг, йўл кўпдир, қўл урсанг юмуш,
Тўрвасин тўлдирмас бу кўҳна турмуш,
Урушсанг дунёда шайтон-ла уруш,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Бу ҳаёт ҳар куни тўрга чорламас,
Ўзини билганни мудом хорламас,
Одамлик шарафин оқлай билсанг бас,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Кўп гапдан кўпирма, оздан орланма,
Нафсинг тиғ тутса ҳам ётга зорланма,
Ўзгалар хатосин қилмайин таъна,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Боқийлик бахти бир Худога ёрдир,
Бошдан баланд сакраб кўплар афгордир,
Нeники тиласанг Оллоҳда бордир,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Рост яшаш дунёда бўлмаган осон,
Кеттунча шошади бандаси ҳамон,
Вале охиратда ўтмайди ёлғон,
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

### ЁРИШГАН ЙЎЛ СЎРАЙМАН

Қувончимнинг қатида кўкарган гул истарам,
Армонимнинг ортидан йиғлаган дил истарам.
Диллар ичра бир кимса юрмаган йўл истарам,
Кўзни юмсам, кўз очган дил сўрайман, Аллоҳим,
Юрган сари ёришган йўл сўрайман, Аллоҳим.

Сен деб йўлга чиққанни йўлга ташлаб кетмайсан,
Яхшиларни янтоқдек чўлга ташлаб кетмайсан,
Саждангда сарғайганга оби зам-зам тутгайсан,
Кўнгил берсанг кўкига, тоғ бергайсан, Аллоҳим,
Жисм берсанг жонини соғ бергайсан, Аллоҳим.

Бу дунёнинг бағрида қадам етмас жойлар кўп,
Умр бўйи оҳ урсам нолам етмас жойлар кўп,
Ўз доғидан ўзлари ор қилгувчи ойлар кўп,
Офтобинг алқаганга нур бергайсан, Аллоҳим,
Қалб тубига кул бўлмас қўр бергайсан, Аллоҳим!

Бу дунёни бозор деб келгувчи ҳам кўп экан,
Бу дунёни мозор деб ўлгувчи ҳам кўп экан,
Ла илаҳа иллоллоҳ, дея олса хўб экан,
Беҳишти муборакдан гул тиландим, Аллоҳим,
Қабримга ҳам бир чимдим нур тиландим, Аллоҳим.

### ЯШАШ НИМА?

Яшаш қийин, дўстинг кулиб,
Ёвинг ёғин ялаб турса.
Ётлар эмас, туғишганлар
Етти пуштинг талаб турса.

Яшаш қийин, ит итлигин
Даста гулга ўраб турса,
Тонгда эшик очган қўшнинг,
Қоқилишинг сўраб турса.

Яшаш ширин, бир ғунчанинг
Гул бўлганин кўриб турсанг.
Оломонга инсоф бериб,
Эл бўлганин кўриб турсанг.

Яшаш ширин, бир беморга
Доридан хуш дармон бўлсанг.
Бахтдан тўйган бахтиёрга,
Олдда турган армон бўлсанг.

Яшаш яхши, бошинг етмай
Тупроқ тутган болишларга,
Нуқта қўйиб улгуролсанг,
Бу дунёдан нолишларга.



Устоз ва шогирдлар гурунги.

ҲИКОЯ

Фарҳод МУСАЖОН

# ИБРАТ



Кун айни қиёмига етган, ҳаво ёнмоқда.

Бозордан қайтаётган эр-хотин ўз кўчаларига етганларида дам олиш учун қўшни ҳовлилардан бири олдидаги ёғоч курсига чўкдилар.

— Боситхон барака топсин, эшигининг тагини гулзор қилиб қўйди, бизнинг каби толиққанлар ўтириб нафас ростлайди, — деди эр. Аёл бош силтаб маъқуллади, рўмолчаси билан пешона терини артди.

Эр ўрта бўй, эчки соқол, кўзи кулранг-кўкимтир, тетик одам эди. Аёл тескариси — нимжон, кўриниши одми, кўзлари маъюс боқарди.

Эрнинг асл исмини маҳаллада камдан кам одам билади. Уни Насиҳатхўжа деб чақиришади. Бу лақабни у бекорга олмаган: ўзини барчадан доно ҳисоблаб, ҳаммага ақл ўргатади — нонвойга нон ёпишни, чеварга кийим тикишни, устага иморат қуришни, амалдорга ишни ташкил қилишни.

Барчага ақл бўларди-ю, аммо ўзи ҳеч кимнинг гапига қулоқ тутмас, бирорта одамнинг фикрини эшитишга тоқати йўқ эди. Сабаби яна ўша — ўзини ҳаммадан билимдон санарди. Маҳалла аҳли ундан безиллаб қолган, негаки, учратган одамининг ёқасидан бўғиб тўхтатади-да, эзмаланиб насиҳатни бошлайди. Ҳозир ҳам ичи ёниб, тили қичишиб ўтирганди, бахтига, кўча этагида Матқовул кўриниб қолди-ю, ёғли ўлжани кўрган овчидек қувониб кетди.

— Ҳой бола, мундоқ кел, — деди буйруқ оҳангида.

Матқовул омади чопмаган, ношудроқ кимса эди, тўхтаб салом берди, сўнг «нима дейсиз» дегандек саволчан боқди Насиҳатхўжага.

— Сенларнинг дастингдан ўладиган бўлсак ўлиб бўлдик-ку, — аччиқ таънадан бошлади сўзни Насиҳатхўжа.

Томдан тараша тушгандек бу хуруждан Матқовул донг қотиб қолди.

— Қачон бизларни тинч қўясанлар? — Насиҳатхўжа энди дўққа кўчди.

Матқовул аранг ўзига келди.

— Нима қилиб тинчингизни бузибмиз?

— Ия, манавининг гапини?! — Насиҳатхўжа шох ташлаб ўшқирди, — ҳеч нарса билмагандек нима қилиб тинчингизни бузибмиз дейди-я? Эр-хотин Худонинг берган куни кўчани бошларингга кўтариб қирилишасан. Қўни-қўшниларга на кундузи тинчлик бор, на кечаси, жонга тегди сенларнинг жанжалларинг!

Матқовул гуноҳкорона бош эгди.

— Нима қилай, шунақа ношукур бандага йўлиққанман.

— Айбни хотинга тўнкама, қарс икки қўлдан чиқади.

— Сиз уни билмайсиз, ғалвани доим ўша бошлайди. Қачон бошқа эркакларга ўхшаб рўзғор тебратишни эплайсиз, болалар оч-яланғоч, деб қулоқ-миямни егани еган. Маошимни бир тийинигача қолдирмай қўлига олиб келиб бераман, уч кунда адо қилиб, яна дийдиёсини бошлайди, — Матқовул ўксиб ҳасрат қилди.

— Гап маошда эмас, яхши топиб гапиради, ёмон қопиб, дейдилар. Сен муросани билмайсан, қўрссан. Хотин зоти ширин гапнинг гадоси. Дўқ урмай, Худо хоҳласа ишимиз юришиб кетади, дея ётиғи билан тушунтирсанг, тушунади, — насиҳатни бошлади Насиҳатхўжа.

— Тушунмайди, ғирт нодон у, — эътироз билдирди Матқовул, — неча марта айтганман, сабр қил, Худо хоҳласа бойиб кетамиз, деб. Кошки гапга қулоқ тутса, — Матқовул хўрлиги келиб нолиди, — оғзимни очишим билан «уйланган кунингиздан бери, мана йигирма йил бўляпти, шу гапни қайтарасиз, бойиш ўрнига кундан кунга баттар бўляпмиз», деб итдек қопиб беради. Шундан кейин меники ҳам тутади, чидолмай сўкаман, таъсир қилмаса, гоҳида ураман.

— Ана энди сиринг ошкор бўлди! Зўравонсан, золимсан! — нафрат билан ҳайқирди Насиҳатхўжа. — Ҳой бола, хотинни урсанг бир кун сени худо уради. Шуни бир билиб қўй.

— Нима, унда хотиндан қўрқиб яшаш керакми. Попугини пасайтириб қўймасам, бошимда ёнғоқ чақади.

— Сени мен ақлли-ҳушли одам десам, ғирт сўтак экансан-ку, — куйиниб давом этди Насиҳатхўжа, — хотиндан қўрқмайман деган эркаклар жоҳил бўлади. Аёл киши гўдакдек беҳимоя. Бекорга заифа дейишмайди. Росмана эркак аёлнинг ҳурматини жойига қўяди, иззат-нафсини қадрлайди. Мана биз опоғойинг билан бирга яшаб келаётганимизга ўттиз йилдан ошди. Шу давр ичида уни бир марта ҳам чертмаганман, чертиш у ёқда турсин, ҳатто овозимни баландлатмаганман. Ҳа, кафтимда олиб юраман. Ишонмасанг мана, ўзининг юз-кўзи, сўра ўзидан, — Насиҳатхўжа хотинига юзланди, — Айт, сени ҳеч хафа қилганманми?

Опоғойи ёқинқирамай «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Уйда жанжал чиқишига аввало оила боши — эр айбдор, — ҳукм чиқараётгандек совуқ овозда давом этди Насиҳатхўжа.

Матқовул чўзилиб кетган насиҳатлардан зерика бошлаганди, гапга чек қўйишнинг пайига тушди.

— Биламан, эр жарақ-жарақ пул топиб келса яхши, мен бир қоровулман, топиш-тутишим ҳалигидек. Шундоқ экан, минг ширин гапирай, барибир ёқмайман хотинга.

— Янглишасан! — Насиҳатхўжа қизишиб кучанди, — жарақ-жарақ пул топиб келганинг тақдирда ҳам хотинингни одам ўрнида кўрмай хор қилар экансан, оилангда иноқлик ҳам, ҳаловат ҳам бўлмайди. Тўғри, аёл зоти борки, яхши еб, яхши кийингиси келади, янги чиққан кийимбош, ҳар хил тақинчоқларга ўч бўлади. Мана, опоғойинг ҳам ҳалигача уни олиб беринг, буни олиб беринг, деб хархаша қилади. Раъйига қараб «хўп, пул тушса олиб бераман» дейман. «Йўқ» деган совуқ гапдан насия бўлса ҳам ширин сўз маъқул. Шунда ғалва чиқмайди. Эру хотин сан-манга бордими, тамом, уйдан барака кўтарилади.

Матқовул Насиҳатхўжадан қай йўсинда қутилишни билмай, хит бўлди. Қўлини кўксига қўйиб ёлворди.

— Узр тақсир, мен нонга кетаётгандим...

Насиҳатхўжа ўлжасини осонликча қўлдан чиқармайдиган ғаддор овчилардан эди.

— Баъзи эркаклар бўлади, иккиюзламачи, — Матқовулнинг узрига мутлақо эътибор бермай давом этди у. — Улар хотинга фақат ўринда ширин гапиради, бошқа пайт қўрслик, дағаллик қилиб зулм ўтказади. Ўшанақалар садқаи эркак кетсин!.. Мен опоғойингни росмана ҳурмат қиламан. Баъзи ноинсофларга ўхшаб, бутун оғирликни хотиннинг елкасига ортиб қўймайман. Қозон-товоққа, супур-сидирга ҳам қарашиб кетавераман, уй юмуши эркакнинг иши эмас, деб қаққайиб ўтирмайман.

Матқовул оғиз очгани хезланган эди, Насиҳатхўжа яна имкон бермади.

— Яна бир тоифа қуруқ савлат димоғдорлар бор, хотин судраб юришдан номус қиладилар. Мен ҳеч қаёққа ёлғиз бормайман. Тўй-ҳашам дейсанми, зиёфатми, туғилган кунми, концерту томошаларгами, ҳаммасига опоғойинг билан бирга борамиз. Чунки жуфти ҳалолимнинг нафақат кийимию овқатини бўйнимга олганман, балки...

Энди Матқовул Насиҳатхўжанинг сўзини бўлди.

— Тақсир, магазин ёпилиб қолмасин, уйга қуруқ қайтсам, хотин икки ямлаб бир ютади, — росмана ёлворди Матқовул.

— Борасан, обедга ҳали бор! — жеркиб берди Насиҳатхўжа, — шошилмасдан гапни эшит, жиндак мағзини чақ. Нега жон ачитиб гапиряпман сенга? Мендан ибрат олгин, демоқчиман. Бизлардан ибрат олсанг, кам бўлмайсан, оиланг билан тинч-тотув, ҳузур-ҳаловатда яшайсан, жанжал нималигини билмайсан...

— Хўп, тақсир, ибрат оламиз! — деди сабр косаси тўлган Матқовул, сўнг, «хафа бўлса бўлар» деб жуфтакни ростлаб қолди.

— Гапни уқдингми, хотинни ҳурмат қил, асл эркак бўлсанг! — Матқовулнинг ортидан қичқирди Насиҳатхўжа гапи чала қолганидан аччиқланиб, — тавба, буларга яхши бўлгин, деб насиҳат қилсанг, эшитиш малол келади!

Насиҳатхўжа сал ҳовуридан тушиб, хотинига юзланди.

— Анча дамингни олволдингми, онаси?! Энди турақол. Мен бирровга Боситхонга учраб кетаман, суннат қилмоқчи экан, билай-чи, қанча гуруч дамламоқчи, қанча одам айтмоқчи. Ҳа, маҳалладан бемаслаҳат иш тутмасин. Сен боравер, онаси, бу ёғи озгина қолди, бир ҳафсала қилсанг, етиб оласан.

Аёл бир эмас, иккита зил-замбил халтани аранг кўтариб ўрнидан турди, оёқлари чалишиб, инқиллаб-синқиллаб йўлга тушди.

— Ҳой, эҳтиёт бўл, тағин йиқилиб ўт-бўтингни майиб қилиб ўтирма, — сўнгги насиҳатни берди Насиҳатхўжа ва Боситхонникига кириб кетди.

## ТИЛ БАЙРАМИ — ДИЛ БАЙРАМИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўн беш йиллигига бағишланган тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар юртимиз шаҳар ва қишлоқлари, кўплаб таълим масканларида байрамона тусда ўтказилди. Ўтган шанба куни шундай тадбирлардан бири Тошкентдаги Темир йўл транспорти муҳандислари институтининг мухташам залида бўлиб, талабалар, шу олий ўқув юрти қошидаги академик лицей тингловчилари ва педагоглари таниқли шоир ва олимлар, санъаткорлар билан учрашдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев талабалар ва тингловчиларни байрам билан самимий қутлаб, она тилимизга юксак мақом берилган йиллардаги ижтимоий жараёнлар ва тилимизнинг бугунги кундаги нуфузи ҳақида сўзлаб берди. Сўнг ўзининг бир қанча янги шеърларидан ўқиб талабалар олқишига сазовор бўлди. Таниқли шоира ва олима Шафиқа Ёрқин ўз сўзида Алишер Навоийдек улуғ бобомизнинг она тили бўлган ўзбек тилига бугунги кунда Афғонистонда ҳам эътибор ошганлигини таъкидлади. Олима ўзга тиллардан она тилимизга кириб қолган айрим сўзларни қўллаш жараёнида баъзи сухандонлар йўл қўяётган хатоликларга ҳам тўхталиб, тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибаси, сўзларни тўғри истифода этиш билан боғлиқлигига аҳамият қаратди. Сўнгра ўзининг ўзбек ва форс тилларида битган шеър ва ғазалларидан намуналар ўқиди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти доценти Марҳабо Мирзажонова, ЎзМУ доценти Тожихон Собитова ҳамда академик лицей муаллимаси, филология фанлари номзоди Ойгул Искандароваларнинг дил сўзлари, дуторчи қизлар ансамбли хонандаси Дилнавоз Ашурова ижросидаги дилбар қўшиқлар тил байрамига ўзига хос руҳ бағишлади. Талабалар ва тингловчилар ўқиган шеърлар, ижро этган куй-қўшиқлар ва рақслар ҳам кўнгилларни шод этди.

## ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА




«Театр» журналининг 2004 йил 4-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг мазкур сони Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи билан очилади. Санъатшунослик номзоди Б.Шодиевнинг «Истиқлол туғи» мақоласида мустақил юртимизда байрам ва томошаларнинг, театрлашган майдон томошаларининг янги тизими шаклланганини, ўзига хос санъат тури таркиб топганини ҳақида фикр юритилади.

Ўзбекистон Академик рус драма театрининг 70 йиллигига бағишланган мазмундор мақолалар туркумини санъатшунослик доктори М.Тўлахўжаева тайёрлаган. «Шекспир комедиясининг замонавий талқини» мақоласида (муаллифлар — С.Қодирова, Д.Қодирова) Миллий театрда режиссёр А.Хўжақулиев томонидан саҳналаштирилган Шекспирнинг «Ёз тунидаги ғаройиботлар» комедиясининг ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилган. Филология фанлари доктори Н.Каримовнинг театр санъатимизнинг шаклланишида хизмати сингган Фуад Саллавий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ва Ўзбекистон санъат арбоби М.Муҳамедовнинг «Ўзбек операсида речитатив муаммолари» сарлавҳали мақолалари муштарийларда жиддий қизиқиш уйғотиши тайин.

Таниқли рақкоса, актриса ва режиссёр Юлдуз Исматова фаолиятига бағишланган Т.Турсуновнинг «Рақс театри санами» мақоласини, истеъдодли актёрлар Боир Холмирзаев ҳамда Раҳимжон Маматалиев билан суҳбатларни ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

И.Пунинскаянинг «Ибтидо хатоси» опера-ораторияси ҳақидаги мулоҳазалари, кулги санъати муаммоларига бағишланган. О.Султоновнинг тадқиқоти, қолаверса, «Чизги», «Ёднома», «Изҳор» рукнларида берилган материаллар ҳам журнал мундарижасини бойитган.

